

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, Тошлоқ туман, Тошлоқ маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси М.Сиддиков, судья ёрдамчиси А.Сулаймановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошлоқ туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Х.Расулов, судланувчи О.Курбонов ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Абдурахмоновларнинг иштирокида, Курбонов Обид Мусожоновичга нисбатан 1-1517-2402/207-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Курбонов Обид Мусожонович (Kurbonov Obid Musojonovich), 1962 йил 20 августда Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 6 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақахўр, Тошлоқ тумани, Қамчипуруш МФЙ, Гулосзор кўчаси, 22-уйда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллак” эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 19 августда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи О.Курбонов 2024 йил 22 июль куни Тошлоқ тумани, Қамчипуруш МФЙ, Гулосзор кўчаси, 22-уйидаги иссиқхонада 4 туп “Каннабис” (наша) гиёҳванд ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни келгусида истеъмол қилиш мақсадида парваришлаб келинаётгани аниқланган.

Ўтказилган суд кимёвий экспертизанинг 2024 йил 23 июлдаги 892-сонли хулосасига кўра, О.Курбоновнинг хонадонидан далилий ашё тариқасида олинган ёнлари аррасимон шаклда ва ўзига хос ҳидга эга бўлиб, ўсимликлар моддаси фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу ўсимлик “Каннабис” (наша) ўсимлиги барглари эканлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид наркалогия экспертизасининг 2024 йил 6 июндаги 391-сонли хулосасида О.Курбоновда наркологик касалликлар аниқланмагани, у гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи О.Курбонов судда айбига иқрорлик билдириб, 2024 йил 22 июль куни Тошлоқ туман ИИБ ходимлари томонидан хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, томорқасидаги иссиқхонада кўчатлар орасида 4 туп наша гиёҳванд ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни парваришлаб келинаётгани аниқлангани, томорқа ишларини ўзи бажаришини, баҳор фаслида



томорқасига кўкат уруғларини сепганида наша гиёҳванд ўсимликлари ҳам чиқиб қолгани, сўнг ушбу ўсимликларни дорилик мақсадида парваришлаб келгани, аниқланган гиёҳвандлик моддаларини сотиш ёки ўтказиш нияти бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келгусида бундай ишлар қайтарилмаслигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Б.Отабеков судда, 2024 йилнинг 22 июль куни ИИБ ходимлари ўтказилаётган текширишда ҳолис тариқасида иштирок этишини таклиф қилишганида рози бўлгани, ИИБ ходимлари билан бирга О.Курбоновни Тошлоқ тумани, Қамчипуруш МФЙ, Гулосзор кўчаси, 22-уйда жойлашган хонадонига киришганида О.Курбонов томорқасидаги исикхонада кўчатлар орасида 4 туп наша гиёҳванд ўсимлигига ўхшаш ўсимликни парваришлаб келинаётгани аниқлангани, гиёҳванд моддалардан ашёвий далил тариқасида намуна олиниб қолган қисмини кўйдириш орқали йўқ қилингани, мазкур ҳолат юзасидан ИИБ ходимлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларга имзо қўйиб берганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Комилов судда, гувоҳ Б.Отабековни кўрсатмаларини тасдиқлаб айнан ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Исмоилов судда, 2024 йилнинг 22 июль куни ИИБ ходимлари ўтказилаётган текширишда мутахассис сифатида иштирок этишини таклиф қилишганида рози бўлгани, ИИБ ходимлари билан бирга О.Курбоновни Тошлоқ тумани, Қамчипуруш МФЙ, Гулосзор кўчаси, 22-уйига киришганида томорқасидаги исикхонада кўчатлар орасида 4 туп наша гиёҳванд ўсимлигига ўхшаш ўсимликни парваришлаб келинаётгани аниқлангани, ушбу ҳақда хулоса тузиб берганини билдириб кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, суд, судланувчи О.Курбоновнинг айби айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, хонадонни кўздан кечириш ҳақида баённома, унга илова қилинган фотосуратлар, судга оид кимёвий ва наркология экспертизасининг хулосалари, жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи О.Курбонов томонидан содир этилган жинойий ҳаракатларини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, хонадонда 23 туп Кўкнори ва 4 туп Наша ўсимлигини парваришлаб келинаётгандаги ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Курбоновга жазо тайинлашда, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, кекса ёшдалигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан



жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ЖКнинг 56-моддасида кўрсатиб ўтилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларсиз содир этилган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 2-бандида судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, судланувчи О.Курбоновни содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш билан бирга тайинланадиган жазони ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамияти назарда тутиб, унга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи О.Курбоновга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда судланувчини шахсини, айбига иқро, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноятни ижтимоий хавфини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиш билан бирга, у айбли деб топилган қилмиш учун қонун санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, ЖПКнинг 211-моддаси талаблари асосида ашъвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашъвий далил тариқасида олиниб, экспертиза



тадқиқотидан қолган 0,35 грамм “Каннабис” (наша) ўсимлигини йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Курбонов Обид Мусожонович (Kurbonov Obid Musojonovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Курбонов Обид Мусожоновичга ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида 8.500.000 (саккиз миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат ҳисобига ундирилсин.

Курбонов Обид Мусожоновичга қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, экспертиза тадқиқотидан қолган 0,35 грамм “Каннабис” (наша) ўсимлиги намунаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу туман суди орқали Фарғона вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.Сиддиқов



Хукм нусхаси аслига тўғри
Жиноят ишлари бўйича
Тошлоқ туман судининг судяси

М.Сиддиқов

Хужжат имзоланган: Сиддиқов Музаффаржон Иброхимович, 24.09.2024

